O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 24-noyabr ● Payshanba ● 143 (27.478) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗНИНГ ЯНА БИР ТАНТАНАСИ

## 26-27 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА КУРАШ БЎЙИЧА V ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

**Агар ер куррасида икки юздан ортиқ давлат мавжуд бўлса, уларда истиқомат қилаётган ҳар бир халқнинг ўз миллий спорт тури бор. Аммо миллий ўйинлари ва спорт турлари билан халқаро миқёсда танилганлари кўпчиликни ташкил этмайди. Айримларини маълум ҳудудларда, нари борса ўз мамлакатларидагина билишади, холос. Бу борада бугун халқимиз ҳар қанча фахрланса, ифтихор этса арзийди. Боиси, истиқлол шарофати билан миллатимизнинг азалий қадриятларидан бири саналган ўзбек кураши жаҳонга юз тутди.**

**1998 йил 6 сентябрь. Бу кун кечагидек эсимизда. Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг мажлислар залида тўпланган Ўзбекистон, Россия, Буюк Британия, Жанубий Африка, Япония, Польша, Жанубий Корея сингари 28 та давлат вакиллари Кураш Халқаро ассоциацияси (КХА)ни тузишга якдиллик билан овоз бердилар. 1999 йил 1-2 май кунлари Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати катта муваффақият билан ўтказилди.**



Ўтган йилларда курашни тарғиб этиш, оммалаштириш борасида олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли КХА жаҳондаги нуфузли спорт ташкилотига айланди. Айни пайтда унинг таркибида Европа, Осиё, Африка, Пан-Америка ва Океания конфедерациялари ҳамда саксонга яқин миллий федерация фаолият кўрсатмоқда. Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган ўзбек кураши ер куррасининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олиш учун дадил одимлаяпти.

— Кейинги учта жаҳон чемпионатига Анталия (Туркия, 2000), Будапешт (Венгрия, 2001), Ереван (Арманистон, 2002) шаҳарлари мезбонлик қилди, — дейди КХА президенти Комилжон Юсупов. — Эътироф этиш лозимки, охирги икки-уч йилда ассоциациямиз таркибидаги миллий федерациялар сони сезиларли даражада ортди. Улар эса кураш Ватани билан яқинроқ танишиш истагида эканликларини билдиришмоқда. Шу боис, КХА Ижроия қўмитаси аъзолари федерациялар талаб-истагини инобатга олиб, бир овоздан катта кураш байрамини яна Ўзбекистонда уюштиришга қарор қилдилар.



Кичик юбилей мақомини олган V жаҳон чемпионати юртимиз кураш ишқибозлари учун чин маънода спорт байрамига айланиши, шубҳасиз. Унда беш қитъанинг етмишга яқин давлатидан тўрт юзга яқин полвон ғолиблик учун гиламга чиқиши кутилмоқда. Мазкур нуфузли мусобақага мамлакатимиз курашчилари ҳам пухта ҳозирлик кўришяпти.

— Мутахассисларимиз эркаклар ўртасида ўтадиган беллашувларда Фурқат Маматов (60 кг.), Ҳикмат Қуртов (66 кг.), Шерали Тўраев (73 кг.), Рамзиддин Саидов (81 кг.), Давлат Чориев (90 кг.), Икром Нуруллаев (100 кг.), Абдулла Тангриев (+100 кг.), Шуҳрат Муродов (мутлақ)ларга ишонч билдиришган, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Жўра Шойқулов. — Мазкур жаҳон чемпионатида ишқибозлар илк маротаба тўққиз вазн тоифасида уюштириладиган аёллар баҳсининг ҳам гувоҳи бўлишади. Унда мамлакат биринчилиги, Ўзбекистон кубоги беллашувларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олган Машҳура Мавлонова (48 кг.), Сожида Мадаминова (52 кг.), Румия Шайхуддинова (57 кг.), Умида Сафарова (63 кг.), Гулмира Исматова (70 кг.), Зулхўжа Худоёрова (78 кг.), Ирода Йўлдошева (87 кг.), Дилноза Қамбарова (+87 кг.), Дилором Қамбарова (мутлақ) сингари моҳир спортчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

4-бет

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари!

Испаниянинг Миллий байрами муносабати билан шахсан ўз номингиздан ва халқингиз номидан менга йўллаган самимий қутловлар ва эзгу тилакларингиз учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурматим ва шахсий эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Камоли эҳтиром билан,

**Хуан КАРЛОС,**
**Испания Қироли**

---

● Ўзбекистон — Россия

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланиши ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеаси сифатида халқимиз томонидан юқори баҳоланмоқда. Кенг жамоатчилик вакиллари мазкур шартнома ҳар икки давлат ва унинг фуқаролари учун тарихий воқеа эканлигини якдиллик билан эътироф этишяпти

**Дарҳақиқат, 14-15 ноябрь кунлари Москвада бўлиб ўтган учрашувлар Ўзбекистон ва Россия муносабатларини янги босқичга кўтарди. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамфикрлилик улкан минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳамкорликка асос бўлди. Негаки, ўн олти моддадан иборат шартноманинг ҳар бир бандида ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларига доир тараққиёт йўли белгилаб олинди. Эндиликда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, хавфсизлик ва мудофаа, савдо-иқтисодий соҳаларда икки давлат ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилади. Шунингдек, фан-техника, энергетика, молия-банк, авиасозлик, коммуникация, ахборот технологиялари каби соҳалардаги тажриба алмашувлар янада ривожлантирилади. Табиийки, бундай кенг қамровли ҳамкорлик ҳар иккала мамлакатдаги турли касб эгаларининг, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир инсоннинг тақдирига дахлдор.**

3-бет

---

● ХДП ҳаёти

# ТАШАББУС ВА ФАОЛЛИК АМАЛДА БЎЛСИН

Ҳар бир депутат ўз сайловчилари ва партияси олдида ҳисобот бериб туриши лозим, деган фикр Сурхондарёда ўтган семинарда алоҳида таъкидланди

Термиз шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуида ўтказилган икки кунлик семинар баҳс-мунозараларга бой, қизиқарли руҳда ўтди. Унда вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, депутатлар гуруҳлари, маҳаллий партия кенгашлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Дастлаб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримовнинг «Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва устуворликларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали амалга оширишнинг асосий йўналиши, шакл ва услублари» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Нотиқ илгари сурган масалалар, ХДПдан сайланган депутатларнинг вазифалари, салоҳияти ва депутатлар гуруҳларининг бугунги кундаги ўрни хусусида очиқ-ошкора мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Дарҳақиқат, ХДП ўзини мамлакатда сиёсий кучларнинг «сўл» қаноти, деб эълон қилди. Бу амалий ишда, фаолликда, одамларнинг турмуш даражаси фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, ишсизликнинг олдини олиш борасида аниқ ечимлар билан шуғулланишимизни тақозо этади. Партия фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш учун партия дастурини ва айрим қонунларни ўқиб-ўрганишнинг ўзи етарли эмас. Жамиятимизнинг демократлашуви, мамлакатимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши партиямиз олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун аввало ана шу юксак мақсадларни амалга оширишга имкон берувчи қонунларнинг қабул қилинишига эришмоқ керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи, фракция аъзолари ана шундай қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш учун ҳаракат қилишяпти.

Хўш, ҳозирги пайтда маҳаллий Кенгаш депутатлари нима иш билан банд? Улар ўз бурчларини адо этишяптими? Қандай муаммолар бор?

Семинарда «Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга доир минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларидаги роли ва масъулияти» ҳақида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қ.Каримовнинг, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия вакиллари фаолиятининг ҳуқуқий меъёрий асослари, партия депутатлари гуруҳларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, ҳуқуқ ва ваколатлари» мавзуида вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси Р.Ҳамроевнинг маърузалари тингланди.

Таъкидлаш жоизки, семинарда аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласи алоҳида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Бу бежиз эмас. Негаки, Сурхондарё вилоятида, айниқса чекка туман ва қишлоқларда аҳолининг ишсизлик даражаси ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганига қарамай, айрим туман раҳбарлари бу муҳим вазифага панжа орасидан қарамоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг маълумотларида Сурхондарё вилояти бўйича 2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 24 минг нафар киши ишсиз, деб кўрсатилган.

Албатта, муаммоларнинг барчасини бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Аста-секин барча жабҳаларда ҳам ўзгаришлар, амалий ишлар натижаси кўзга ташланмоқда.

Хусусан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, бу борада 2005-2007 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган. Ана шу дастурга мувофиқ биргина жорий йил ичида хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун, айнан аёл кишилар раҳбар бўлиб ишлаётган ва хотин-қизларни ишли қилиш мақсадида янги иш ўринлари очаётган аёлларга бошқарма томонидан 154 миллион сўмлик имтиёзли кредит-ресурслари берилди.

Семинар иштирокчилари депутатлар ва партиямиз етакчилари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталишди.

**Х.ЭРМАТОВ, ХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси:**

— Депутат кўкракка фақат нишон тақиб, ўз сайловчилари олдидаги бурчини унутиб қўядиган инсон бўлмаслиги керак. Қолаверса, ҳар бир депутат қайси партиядан сайланган бўлса, ўз партиясига ҳисобот бериб туриши лозим. Афсуски, ҳозирги пайтда маҳаллий Кенгашларга сайланган айрим депутатларимиз борки, сайлов ўтгач, партиямизни ҳам «эсдан чиқариб» қўйган кўринади. Бундай депутатлар билан муроса қилиб бўлмайди.

**Ж.МАМАТМЎМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Икки кунлик семинаримизнинг жонли, баҳс ва мунозараларга бой ўтганлигидан хурсанд бўлдим. Бу ерда жуда кўп таклифлар, фикрлар билдирилди. Ўйлайманки, уларни ҳаётга татбиқ қилишда, янги қонунлар ишлаб чиқишда имкон қадар ҳаракат қиламиз. Тўғри, бугун муаммолар оз эмас. Уларнинг тезроқ ечилишини истаймиз. Барча-барчамизнинг ҳам ниятимиз юртимиз ривожи, халқимизнинг фаровонлигини янада оширишдан иборат. Ана шу мақсадларга ҳамжиҳатлик, фаоллик билан эриша оламиз, деб ўйлайман.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

● Ўзбекистон шаҳарсозлиги

# ЖИЗЗАХ ЖОЗИБАСИ ВА ФАЙЗИ

## ЁКИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ШАҲАР ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ, ЯХЛИТ МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИК МАЖМУИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН, БУГУН ҲАМ ДАВОМ ЭТТИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Ўрта Осиёда ягона бўлган спорт мажмуаси — Олимпия захиралари коллежининг барпо этилиши, марказий стадионнинг тўла таъмирдан чиқарилиши, янги қурилган «Маънавият ва маърифат» маркази, Истиқлол боғи, маҳалла гузарлари, замонавий коллеж ва лицейлар, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари каби янги-янги иншоотлар бугунги кунда Жиззах шаҳри қиёфасини ўзгартириб юборди.

**Ислом КАРИМОВ**



*Шаҳар марказидаги Мустақиллик майдони*

Жиззахда бўлганмисиз? Бир ёни баланд тоғларга, иккинчи томони бепоён дашт ерларга туташиб кетган, қадимий тарихга, ўзига хос қиёфага эга бу шаҳар билан танишмисиз? Тўғриси, Жиззах яқин-яқинларгача тор кўчалар, қинғир-қийшиқ йўлаклар, пана-пастқам уйлардан иборат оддийгина, кўримсиз бир шаҳарча эди. Энди-чи? Бундан атиги ўн йил муқаддам шаҳарда бўлган киши бугун уни дабдурустдан таниёлмайди. Чунки Истиқлол йилларида, аниқроғи 1996-1997 йиллардан эътиборан шаҳар замонавий, бутунлай янгича қиёфа касб эта бошлади. Айни пайтда 32 та маҳаллада 139 минг аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарнинг кенг, равон кўчаларини кезиб баҳри дилингиз очилади. Шунда сиз ҳам шаҳар қиёфасининг йил сайин, ой сайин ўзгариб бораётганига, яхлит меъморчилик мажмуини амалга ошириш бўйича ибратли ишлар қилинаётганига амин бўласиз.

Яхшиси, шаҳарда кейинги йилларда бажарилган ва бажарилаётган катта ҳажмдаги яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари, қад ростлаётган гўзал иморатлар, барпо этилаётган замонавий, шинам иншоотлар, боғроғлар, кўнгилочар масканлар ҳақида, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётган ўзгаришлару бири-биридан қувончли янгиликлар тўғрисида жиззахликларнинг ўзларидан эшитайлик.

2-бет

---

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда сиёсий партиялардан вакиллик органларига сайланган турли даражадаги депутатлар ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини қай даражада англашлари муҳим аҳамият касб этади. Бухорода икки кун давомида **«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари»** мавзуида ўтказилган минтақавий семинарда юқоридаги саволга жавоб изланди ҳамда аниқ бир тўхтамга келинди.

Вилоят партия кенгаши раиси Ж.Нуруллаев бошқарган анжуманда маҳаллий кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар, депутатлар гуруҳлари ва маҳаллий партия кенгашлари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Семинарнинг мақсад-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши масъул ходими С.Қурбонов ўз фикр мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, у ЎзХДПнинг янги Дастурида белгиланган устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш йўлларига тўхталди. Худди шу масалада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзоси Ш.Каримовнинг ҳам ахбороти тингланди.

# МАҚСАД АНИҚ, ФАҚАТ ДАДИЛЛИК ЗАРУР!

Бу фикр Бухорода бўлиб ўтган семинарда қайта-қайта таъкидланди

— Ҳозир иқтисодиётимизни тартибга солувчи яхши қонунларимиз бор, — деди Бухоро туман партия кенгаши раиси Саида Жўраева. — Аммо уларни яхши ўрганиб, моҳиятини оддий халққа ёки сайловчиларимизга етказиш борасида камчиликлар мавжуд. Маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз эса қонунлар ижроси учун курашда лоқайдлик қилишаётганининг ўзи ҳуқуқ ва бурчларини ҳали тўлиқ билмасликларидан далолат эмасми?

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат Бафоев «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия вакилликлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари» ҳақида гапираркан, ЎзХДП дастурида белгиланган вазифалар аниқ ва лўнда эканлигини алоҳида таъкидлади. Айниқса, партия сиёсатининг марказида инсон фаровонлиги масаласи турганлиги, меҳнатга қобилиятли барча аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлаш, заиф қатламларини мақсадли ижтимоий ҳимоялаш самарасини кучайтиришни қонуний асосларда ҳал қилишга бел боғланганлиги ҳам муҳимдир.

— Вилоятда 56 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлангач, 31 минг киши ишсиз қолади, — деди у. — Уларни иш билан таъминлаш масаласини эса маҳаллий ҳокимиятлар ҳал қилади. Буни пайсалга солмасликни эса уларга халқ депутатлари доимо эслатиб туришлари, масалани сессияларга олиб чиқишлари даркор.

Ишсизлик муаммоси вилоятда ҳали тўла-тўкис ҳал этилмаган. Шу боис туман, вилоятдан ташқарига иш излаб кетаётганлар сони оз эмас. Семинар дастурига «Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга доир минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва янги ишчи ўринларни яратиш масалаларидаги роли ҳамда масъулияти» ҳақида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вилоят бошқармаси бошлиғи Илҳом Амонов ёки унинг ўринбосари Соҳиб Шукуров ахборот бериши киритилган эди. Бироқ, на бошлиқ, на унинг ўринбосари семинарга келди ва бунинг сабабларини ҳам маълум қилишмади. Эҳтимол бу мансабдорлар кўплаб депутатлар иштирок этаётган ушбу семинарни арзимас, иккинчи даражали тадбир деб ҳисоблаган бўлишлари мумкин...

Семинарда вилоят ҳокимлиги масъул ходими Ўткир Очилов, вилоят хотин-қизлар қўмитасидан Мунира Низомова, вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ихтиёр Жабборов, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идораси вакили Тошпўлат Саидов ва бошқалар маърузалари билан иштирок этиб, тўпланганларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

— Бугунги тадбирдан кўнглимиз тўлди, — дейди Пешку туман партия кенгаши раиси Эркин Холов. — Энди туманда ҳам шундай семинар ўтказиб, депутатларимиз фаоллигини оширамиз. Тан олиб айтиш керак, айрим депутатлар қонунларни ўз ижрочиларига етказишда оқсаяптилар, депутат сўрови билан чиқишни эса эсдан чиқармоқдалар.

— ЎзХДПдан вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига 115 депутат сайланган. Бу эса катта куч. Улар амалий фаолият кўрсатсалар, партия дастурий мақсадларига эришилади. Бунинг учун ўқиб-ўрганиш, ташаббускор бўлиш изланиш, дадиллик талаб этилади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

● Ўзбекистон шаҳарсозлиги

# ЖИЗЗАХ ЖОЗИБАСИ ВА ФАЙЗИ

**Ғани ОБИДОВ, «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Ёшим етмишда. Тўғриси, шу ёшга кириб, азалий қадриятларимизга, миллий меъморчилигимизга бугунгидай давлат миқёсида аҳамият берилганлигини эслай олмайман. Янаям қувончлиси, мамлакатимизда маҳаллаларга илк эътибор дастлаб Жиззахдан бошланган, десам хато қилмайман. Сабаби, 1996-2000 йиллар оралиғида шаҳардаги ўттиз иккита маҳалланинг барчасида гузарлар барпо этилди. Уларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, милиция таянч пункти, «Халқ банки» шахобчаси, маданий-маиший хизмат объектлари жойлаштирилди.

Гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсам, ўшанда бу ўзгаришлар баъзи бировларнинг энсасини қотирган эди. Эсиз меҳнат, эсиз маблағ деганлар ҳам бўлган. Бутун шаҳарда бир хоналик пастқам, кўримсиз жойларда фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари қисқа вақт ичида юқорида айтиб ўтилган қулайликларни ўзида мужассам этган биноларига эга бўлдилар. Маҳалланинг роли, аҳамиятини ошириш борасида ҳам илк изланишлар ўшандаёқ бошланган эди.

Айтиш мумкинки, гузарлар эндиликда маҳалланинг ҳақиқий марказига, маънавий-мафкуравий ишлар ўчоғига айланиб қолди. Маҳалла ҳаёти, унда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуши, қувонч-ташвишлари билан алоқадор муаммолар бугун шу ерда ўз ечимини топаяпти. Гузарларнинг атрофига кўчатлар ўтқазилиб, гулзор ва хиёбонлар ташкил этилди. 1997 йилда шаҳар марказидаги бўш ётган майдонда барпо этилган «Болалар оромгоҳи», унинг яқинидаги сунъий кўл билан чархпалак эса ҳозирда кўрган кўзни қувонтиради. Унинг ҳудуди саратоннинг жазирамасида нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам энг севимли жойига айланади. Шаҳарнинг турли гўшаларида яшнаб турган дов-дарахтлар-чи? Улар Жиззах чиройига чирой бағишламоқда, атроф-муҳитнинг тоза, мусаффо бўлишига хизмат қилмоқда.

**Маматкул ИНОМОВ, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси:**

— 2001 йилда қурилган шинам «Бахт уйи», «Маҳалла» ва «Камолот» марказлари, муҳташам Маданият саройи бетакрор меъморчилик ечимига эга. Самарқанд томондан шаҳарга кираверишдаги тепалик устида 2002 йилда қурилган «Боғишамол» дам олиш маскани, унинг маҳобати, кўрки, тароватии хусусида эса тўлқинланмай сўзлашнинг иложи йўқ. У куну тун, яқину йироқ масофадан шаҳарликлар ва шаҳримиз меҳмонларини ўзига чорлаб тургандай гўё. Очиғи, баъзи бир раҳбарлар одамлардан фақат иш талаб қилади. Бу ҳам мустабид тузумдан қолган иллат. Одамларга дам олиш, яхши яшаш имкониятини ҳам бериш керак. Юртбошимизнинг **ислоҳот ислоҳот учун эмас, одамлар учун,** деган даъватларининг ҳаётдаги ижобатини Жиззах шаҳри мисолида кўриш мумкин.

Шаҳардаги яна бир маскан бахт ва шодлик куйчиси, ҳамшаҳримиз Ҳамид Олимжон боғини кўринг, ҳавасингиз келмаса, мана мен кафил. Боғдаги шоир ҳайкали, бу ердаги ўрик гулларини эслатувчи ранглар уйғунлигидан кўнгиллар равшан тортади, ҳаётга, яшашга, бу олам гўзалликларидан баҳра олишга рағбатингиз ортади.

**Тоҳир ЖЎРАЕВ, «Жиззахавтойўл» ҳудудий шўъба корхонаси бош муҳандиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

— Шаҳар кўчаларини айтмайсизми? Бамисоли қон томирларидай барча мавзеларни бирлаштирувчи бу йўлларда юриб чарчамайсиз. Мақтанишга йўймангу, замонавий шакл ва сифат касб этган Халқлар дўстлиги ҳамда Шароф Рашидов номли шоҳ кўчаларимиз халқаро талабларга тўла жавоб беради. Қолган автомобиль йўлларида ҳам таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Тор кўчалар кенгайтирилаяпти, пиёдалар учун йўлаклар, катта-кичик кўприклар барпо этилаяпти. Муҳими, буларнинг барчаси нафақат йўловчиларга қулайлик яратиш, балки шаҳримиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида бир бутун, яхлит меъморий режа асосида бунёд этилаяпти. Одатда, йўл ва кўприк қурганлар савоб олади, дейишади.

**Гулруҳ МУХТОРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Тошкент тиббиёт академияси талабаси:**

— Мен она шаҳрим Жиззахни жуда яхши кўраман, ёзги таътилни асосан шу ерда ўтказаман. Академиямизда

(Давоми. Боши 1-бетда)

таҳсил олаётган республикамизнинг турли бурчакларидан бўлган курсдошларимни Жиззахга олиб келганимда улар «бунчалик гўзал деб ўйламагандик», дейишди.

Бўлғуси шифокор сифатида шуни яхши биламанки, атроф-муҳитни чиройли, саранжом-саришта бўлишининг инсон руҳиятига таъсири катта. Одам кўзи тушган манзарадан ё ижобий ёки салбий таъсирланади. Шу боис, жуда кўплаб хасталикларда табиат қўйнида



Болалар боғи

дам олиш, гўзалликлардан баҳраманд бўлиш тавсия этилади.

Шунингдек, эътибор берган бўлсангиз, шаҳар бўйлаб жуда кўплаб арча дарахтлари ўтқазилган. Арча ҳавони тозалайди. Кислород ишлаб чиқаради. Қишин-ёзин ям-яшил бўлиб туриши билан асаб тизимларини ўзига хос равишда тинчлантиради.

Тўғриси, мен шу шаҳарда туғилганимдан, бугун ота-онам, яқинларим шу



Жиззах педагогика касб-ҳунар коллежи ёшлари.



Вилоят тиббий диагностика маркази ходимлари.

ерда истиқомат қилаётганидан фахрланаман.

**Баҳодир ОТАЖОНОВ, шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи:**

— Шаҳримиз ҳудудида ўттиз минг туп манзарали, икки минг беш юз туп мевали дарахт, бир миллион тупдан зиёд турфа хил гуллар парваришланади. Қирмизи ранг атиргул, сельвия, петунья гуллари, игнабаргли арча, ясин дарахтлари кўчалар, хиёбонлар, маҳалла ва мавзелар, истироҳат боғларига ўзгача файз киритиб турибди. Келгуси йил ўтган йилгидан йигирма минг туп кўп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишни режалаштирганмиз.

**Эргаш ҚЎЛДОШЕВ, шаҳар бош меъмори:**

— Шаҳар Бош режа асосида кунма-кун, ойма-ой ўзгариб, чирой очиб, обод бўлиб бораётир. Масалан, шаҳар чеккасидаги «Ором» майдонини олайлик. 2003 йилгача бу жой шаҳар ҳуснига ямоқдай ярашиқсиз бир ҳолатда эди. Қисқа муддат ичида бу ерда кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилдики, бугун уни шаҳардаги энг кўркам, дилтортар маскан, дейиш мумкин. Шаҳар томон юрсангиз, баландлиги 26 метрдан зиёд ранг-баранг фавворалар мажмуи, атрофдаги дам олиш жойлари, замонавий услубда қад ростлаган Санъат коллежи, унинг рўпарасида эса Педагогика касб-ҳунар коллежига кўзингиз тушади. Бири-биридан чиройли бу биноларнинг олди, атрофида гулу гулзорлар барпо этилган. Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази вилоят филиали, тиббиёт, коммунал хизмат, иқтисодиёт, саноат ва транспорт, алоқа ва ахборот технологиялари коллежлари, Академик лицейнинг янги, ажойиб бинолари, хусусий савдо ҳамда умумий овқатланиш объектлари ана шу яхлит меъморчилик мажмуини қайсидир жиҳатдан тўлдиришга, шаҳар қиёфасини очишга хизмат қилмоқда. Вилоят ҳокимлиги маъмурий биносининг майдони, «Сангзоркўл» дам олиш маскани, Сангзор дарёси бўйлаб ўн бир гектардан зиёд майдонни эгаллаган «Истиқлол» истироҳат боғини, Мустақиллик майдонини лоақал бир бора кўрмаган киши армонда қоладигандай, ҳаммаси гўзал бир қиёфа-ю бекиёс манзара кашф этгандай туюлади.

Биз мана шу ишларни амалга оширишда яна бир ютуқни қўлга киритдик. Бу одамларда шаҳарсозлик маданияти шаклланганидир. Яъни, бугун Жиззахда ҳеч ким ўзича қурилишга уннамайди. Аввал лойиҳани тасдиқлатиб, агар у шаҳар Бош режасига мос келадиган бўлса ўшандагина рухсат берилади. Шунингдек, шаҳар аҳолиси тозаликка, ободонлаштиришга, ўз уйи атрофи, қолаверса, шаҳри янада гўзал бўлиши учун ҳаракат қилади. Қурилган биноларни, экилган ҳар бир дарахт, гулни сақлаш борасида ҳам ўзига хос кўникма ҳосил қилинган.

**Лазиз ЗОКИРОВ, бокс бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони ва Осиё чемпионати совриндори, мураббий:**

— Ёшларимиз орасида спортга қизиқадиганлар кўп. Афсуски, 2000 йилга қадар улар дуч келган ерда шарт-шароит, қулайлик бўлмаса-да, машғулотлар ўтказиб келишди. Бундан беш-олти йил олдин ёшларнинг неча йиллик орзулари ушалди. Шаҳарнинг аҳоли гавжум жойида жаҳон андозаларига мос, Ўрта Осиёда ягона бўлган Олимпия захиралари спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унда йигирмадан зиёд спорт тури билан қишин-ёзин шуғулланиш учун барча шароитлар бор. Ушбу мажмуа қошида эса спорт йўналиши бўйича коллеж фаолият кўрсатмоқда.

Бугун ёшларни турли ёт оқимларга қўшилиб қолишидан, ёмон йўллардан асрашда, жисмонан соғлом, иродали бўлишида бундай масканлар жуда муҳим аҳамиятга эга.

**Ботир УМАРОВ, вилоят тиббий диагностика маркази шифокори:**

— Бемор кишининг тез соғайишида унга тўғри ташҳис қўйишнинг аҳамияти катта. Шу маънода яқинда ишга тушган вилоят тиббий диагностика марказини Сиҳат-саломатлик йилида шаҳар аҳолисига арзигулик совға бўлди, дейиш мумкин. Давлатимизнинг бир ярим миллиард сўмлик маблағи ҳисобига жаҳон андозалари даражасида барпо этилган ушбу марказда 18 нафар олий маълумотли шифокор ва 19 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими эл соғлиги йўлида хизмат қилаяпмиз.

**Садриддин ҚУРБОНОВ, «ЛРС Пласт» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси оператори:**

— Жиззах шаҳрида истиқлол шарофати туфайли кўплаб қўшма корхоналар бунёд бўлди. Шаҳримиздаги биринчи қурилиш материаллари комбинати базасида барпо этилган қўшма корхонамизда турли диаметрдаги полиэтилен қувурлар тайёрланади. Бу ерда 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Улар компьютерлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини тез ва пухта ўзлаштириб олишди. Умуман олганда, шаҳримизда бугун 6 та қўшма корхона ишлаб турибди. Улар орасида йилига бир миллион дона олти турдаги аккумуляторлар ишлаб чиқариш қувватига эга «ЎзЭКСАЙД» ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жибри» пиллани қайта ишлашга йўналтирилган Ўзбекистон — Вьетнам қўшма корхоналарини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Айтишларича, қўшма корхоналар ҳисобига шаҳарда кўпчилик доимий иш жойига эга.

**Парда ЗИЁТОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Жиззах менинг она шаҳрим, ота маконим. Болалигим ҳам, ўсмирлик ва йигитлик даврим ҳам, мана энди, кексалигим ҳам шу шаҳар билан бевосита боғлиқ. Кечагидек эсимда, ёзда чанг, қишда лой тупроқ ва тош кўчалар, пана-пастқам уйлар, бир хил андозадаги бетон иморатлардан одамнинг кўнгли ғашланарди... Мустақилликдан олдин, ундан кейинги дастлабки йилларда ҳам шаҳарда айтарлик ўзгаришлар сезилмади. Ўша вақтдаги раҳбарларнинг айби билан шаҳар қаровсиз аҳволда қолаверди. Фақат тўқсонинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб шаҳар йил сайин эмас, ой сайин сайқал топа бошлади. Жиззах шаҳарсозлигида туб бурилиш бошланди. Аввало, режасиз қурилган кўримсиз бинолар, савдо шахобчалари тартибга келтирилди. Бугун Жиззахга келган киши чинакам ором олади, ўзини нафосат ва гўзаллик оламига кириб қолгандек сезади. Очиғи, она шаҳримнинг қиёси йўқ деб ҳисоблайман. Менга қолса, уни дунёдаги бирорта шаҳарга алишмайман. Унинг тағин ҳам гўзал, жозибали бўлиши учун шу шаҳар фарзанди сифатида кучу ғайратимни, умримни



«Боғишамол» дам олиш мажмуи.

бағишлагим келади.

◇◇◇

Бугунги Жиззах таърифини эшитдингиз, шаҳардаги ўзгаришлар, янгиликлар тавсифидан озгина бўлса-да хабардор бўлдингиз. Энди шаҳарнинг эртанги куни, бўлажак бунёдкорлик режалари хусусида.

— Яқин келажакда «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг олди бутунлай янгича қиёфа касб этади, — дейди шаҳардаги яратувчилик ишларига муносиб улуш қўшаётган «Камол» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари **Акром РАҲМОНҚУЛОВ**. — Айни кунларда бу ерда қурилиш ишлари бошланиб кетган. Меҳмонхона яқинидаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»ни ҳам биз қурганмиз. Шаҳар ичидаги мўъжаз шаҳарчада ногиронлар, меҳр-мурувватга муҳтожлар учун махсус мактаб-интернат, ётоқхона, улар ишлайдиган цехлар, ёрдамчи хизмат объектлари мавжудки, бу ҳам халқимизни, миллатимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларига ҳамоҳанг. Ҳозир очиқ ҳолдаги китобни эслатувчи вилоят марказий кутубхонаси биносини тубдан реконструкция қилишга киришилди. Шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, коммуникация ва суғориш тармоқларини тартибга келтириш, тоза ичимлик суви, табиий газ таъминотини янада яхшилаш тадбирлари кўрилаяпти. Бўш жойларда боғлар, гулзорлар яратиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини замонавий шаҳарсозлик талабларига яраша ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

**Лола АБДУЛЛАЕВА, шаҳар халқ таълими бўлими мактабгача таълим муассасалари бўйича услубчиси:**

— Президентимизнинг баркамол авлод орзуси амалга ошаётгани, бу мақсадда амалий ишлар бўлаётгани шаҳримиз ҳаётида акс этиб турибди. Болалар спортига алоҳида эътибор қаратилаётгани эса, бу борадаги ишлар бутун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини билдиради. Келгуси йилда ўнлаб мактаблар, болалар боғчаларини таъмирлаш режалаштирилган. Хусусан, 2006 йилда шаҳардаги йигирма саккизта мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилишга қарор қилинган. Бу ишлар яқин келажакда ўз самарасини беради, албатта.

◇◇◇

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Жиззах жозибали, файзли, озода ва обод шаҳарга айланмоқда. Бу ерда барча ишлар фақат бир мақсадга — шаҳарликлар турмуш фаровонлигини яхшилашга, маданиятини юксалтиришга қаратилган. Ободончилик, қурилиш, дов-дарахтлар ўтқазиш, гуллар экиш, орасталик тадбирларида ёшу қари бирдай қатнашмоқда.

Шаҳар оқшомлари-чи? Тунда кўчалар, хиёбонлардаги минглаб ёритгичлар нур таратиб, шаҳар чиройига ўзгача чирой, тароватига бўлакча таровот қўшаётгандай. Кундузгидай чароғон Мустақиллик майдонида эса ҳар куни «Жиззах оқшомлари» деб номланган оммавий сайиллар, кўнгилочар тадбирлар, концерту томошалар ўтказиш гўзал бир одат, анъанага айланган.

Шаҳарликларнинг бугунги кунлардан кўнгиллари тўқ, эртанги кунга ишончлари мустаҳкам. Уларнинг якдиллик билан эътироф этишларича, буларнинг ҳаммаси Мустақиллик меваси, Истиқлол шарофатидир.

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**
**Суратлар муаллифи Шавкат АКРАМОВ**



«Истиқлол» боғи; маҳалла маркази; Олимпия захиралари коллежи ва вилоят солиқ бошқармасининг янги биноси.

## ЎзХДП:
## ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги **«Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмасининг** ташаббус гуруҳи Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 17 ноябрь — Халқаро талабалар куни ва 18 ноябрь — давлатимиз Байроғи қабул қилинганлиги куни муносабати билан тадбир ўтказди. Унда институт ўқитувчилари ва талабалари, «Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмасининг шу институтдаги ташаббус гуруҳи ҳамда партиянинг ёш аъзолари иштирок этдилар. Партия фаоллари талабаларни байрам билан табрикладилар, иштирокчилар «Истиқбол» ЁЭБнинг дастлабки босқичдаги фаолияти ҳақида суҳбатлашдилар. Тадбирда мазкур ёшлар ташкилотининг ХДП Юнусобод туман кенгаши қошидаги бўлимининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

**Наманган вилоят кенгаши**да бўлиб ўтган йиғилишда партия фаоллари, партиядан сайланган депутатлар иштирок этиб, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида кўтарилган масалаларни муҳокама қилдилар. Унда, айниқса, етакчилик масъулияти, ижтимоий бозор талабларидан келиб чиқадиган устувор йўналишлар бўйича вазифаларни бажаришдаги партия ташкилотларининг иштироки қизғин муҳокама этилди.

**Тўрақўрғон туман кенгаши** Халқаро талабалар куни муносабати билан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан биргаликда қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва маиший хизмат коллежларида «Биз мустақиллик фарзандларимиз» номли оммавий тадбирлар ўтказди.

**Хива туман** ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши ҳамкорлигида «Хива тонги» газетаси ходимлари ва бир гуруҳ журналистлар билан учрашув ташкил қилинди. Унда матбуот ходимларининг тумандаги мавжуд муаммолар, аҳолини иш билан таъминлаш, коммунал ва транспорт хизматларини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ва уларни спортга жалб этиш каби масалаларни ёритишдаги ўрни таҳлил қилинди. Журналистларга муаммоларни кўтариб чиқишдан қочмасдан уларни матбуотда эркин ёритиш ҳақида тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

● Тадбир

## «ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ»

**Аждодларимизнинг муқаддас қадриятларини улуғлаш, ўсиб келаётган авлод қалбида уларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги ёшларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этади. Туғилиб ўсган Ватанни севиш ва уни қадрлаш туйғуси ана шундай бебаҳо тушунчалардан.**

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ўзбекистон овози» газетаси ижодкорлари билан ўтказилган учрашув ҳам **«Шу азиз Ватан — барчамизники»** деб номланди.

Тадбирни ЖИДУнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Мизроб Турдиев олиб борди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов мамлакатимизнинг жаҳон узра обрў-эътибори юксалиб, бор имконият ва салоҳияти намоён бўлишида бугунги ёшларимизнинг ватанпарварлиги, юртни севиб, унинг қудратини ошириш йўлида қилаётган фидойиликлари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун ўз кашфиётлари билан дунёни лол қолдираётган иқтидорли талабаларимиз ёки жаҳон шоҳсупаларида мамлакатимиз байроғини баланд кўтараётган спортчиларимизнинг жасоратлари юртсеварликнинг олий намунаси бўла олади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижликлар нафақат фарзандларимизнинг эришган ютуқларига, балки улардаги ватанпарварлик туйғуси нақадар теран эканлигига тан беришмоқда.

Тадбирда сўз олган таниқли журналист Саида Сайхун ва бошқалар миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг умрбоқийлиги, улардаги юксак инсонийлик ғоялари бугун ҳар қандай кишини эътиборсиз қолдирмаслиги, хусусан чет элда ўзбек маданияти ва урф-одатларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги ҳақида тўхталди.

Бундан ташқари, ушбу тадбирда «Ўзбекистон овози» газетасининг мамлакатимиз иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиш ва изланишларини мунтазам ёритиб боришдаги саъй-ҳаракатлари, ташкил этилаётган янги рукнлар ҳамда келгуси режалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза юритилди. Талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Истеъдодли шоир Шамсиддин Садоийнинг Ватан ҳақидаги шеърлари, таниқли ҳофиз, «Лазги» ансамбли хонандаси Гулиммат Собиров ва ёш ижрочи Самандар Рауповларнинг чиқишлари эса тадбирга алоҳида файз киритди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● Газетада босилмади, аммо...

## ЧОРА-ТАДБИР КЎРИЛДИ

**Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани «Мевазор» маҳалласи, Очил Бобожонов кўчасида истиқомат қилувчилар номидан таҳририятимизга мурожаат қилган М.Азимова ёз ойлари Кайковус канали дамбаланиб, чўмилишга мослаштирилиши оқибатида кўча ариқларининг сувга тўлиб-тошиши, уйлар ва ертўлаларини зах босаётгани ҳақида шикоят қилганди. Яқинда ана шу ариза юзасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:**

«Ариза муаллифларига зиён етказаётган канал бизнинг тасарруфимиздаги Кайковус каналидан сув олувчи (ирригация трестининг С.Раҳимов туманида фаолият кўрсатувчи Сув маркази бошқармасига қарашли) «Абдусаттор» ариғи эканлиги аниқланди. Ариқ маиший чиқиндилардан тозаланмагани сабабли сув ўтмай, хонадонларга тошган.

Сув маркази бошқармаси бўлим бошлиғи Сиддиқ Умаров бу ҳолдан огоҳлантирилди ва тезда ариқни тозалаб беришлари сўралди.

Ўз навбатида Шаҳар сув хўжалиги бошқармаси ариқда тозалаш ишлари тугаллангунга қадар Кайковус каналидан сув тақсимлаш гидроиншоотини беркитиб, ариққа сув чиқармай туришни ва тозалаш ишлари тугаллангач, ариқ сувидан фойдаланувчи истеъмолчиларга керакли меъёрда сув етказиб беришни кафолатлайди.

**Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.ҒАНИЕВ».**

● Ўзбекистон — Россия

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Феруза МУҲИДДИНОВА, юридик фанлари номзоди:**

— Биласизми, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ушбу тарихий ҳужжатнинг имзоланиши нафақат халқларимиз ўртасида азалий дўстлик алоқаларини янги босқичга кўтарди, балки жаҳон сиёсий майдонида энг муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг ҳуқуқий жиҳатига эътибор берсак, унда ҳар икки давлат ҳудудида фуқароларнинг эркинлиги ҳимоя қилиниши бу эса халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши қайд этилган. Демак, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда янги саҳифа очилди.

**Эгамберди ЖЎРАЕВ, тадбиркор:**

— Россия улкан ва бекиёс бозорга, бой имконият ҳамда салоҳиятга эга мамлакат. Қолаверса, Россия бизни, биз эса Россияни бугун кўраётганимиз йўқ. Бу икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тарихи узоқларга бориб тақалади. Уни ривожлантиришдан ҳар иккала томон манфаатдор. Шу маънода ушбу шартнома биз тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, десам янглишмайман. Чунки, ўзаро алоқаларимиз бундан сўнг янада ривожланади, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий-молиявий ҳамкорлик ҳажми ортади.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: бундай ўсишдан ким манфаатдор? Шубҳасиз, биринчи галда ҳар иккала мамлакат фуқаролари. Масалан, россиялик ишбилармонлар биздан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сотиб олишса, бизнинг тадбиркорларимиз улардан қурилиш материаллари, машинасозлик жиҳозлари, дори-дармонлар олиб келиши мумкин. Бу каби ўзаро ҳамкорлик туфайли тадбиркорлар даромадлари ошади, шунга мос солиқлар миқдори ҳам кўпаяди ва булар охир-оқибат аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишига сабаб бўлади.

**Озод ХЎЖАЕВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази лаборатория мудири, профессор:**

— Сир эмас, мамлакатимиз тиббиёти катта тажрибага, жуда қадимий анъаналарга эга. Диёримиздан етишиб чиққан, дунёга Авиценна номи билан танилган Ибн Сино бежиз тиб илмининг асосчиси дея таърифланмаган. Шу билан бирга тиббиётимиз ривожида дунёнинг бошқа етук мактаблари, хусусан рус тиббиёти ҳам алоҳида ўрин тутиб келган. Энди олимларимиз россиялик шериклари билан азалий ҳамкорликни янада кучайтириши учун янги имконият эшиклари очилади. Шунингдек, мамлакатимизда замонавий тиббий кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, россиялик олимлар билан илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш янада ривожланади.

Аслида икки мамлакат тиббиёт муассасалари ўртасида тажриба алмашиш, илмий-техникавий ютуқлардан биргаликда фойдаланиш алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бунга сентябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган МДҲ кардиологлари ассоциациясининг V конгресси мисол бўла олади. Унда россиялик юзга яқин етук мутахассислар, хусусан МДҲ кардиологлари ассоциацияси раиси, Россия кардиология маркази директори, дунёга машҳур олим академик Евгений Чазовнинг иштирок этгани олимларимизнинг фандаги ютуқлари бугун ҳам россияликларни қизиқтираётгани, иккала мамлакат тиббиёти ҳамкорлиги нақадар муҳимлигини кўрсатмайдими?

Бир сўз билан айтганда, иттифоқчилик муносабатлари борасида тузилган шартнома келгусида республикамиз тиббиётида янги уфқлар очишига, алоқаларимиз мазмунан бойишига ишонаман.

**Татьяна БУБЮНОВА, Тошкент шаҳридаги 86-мактаб ўқитувчиси:**

— Москвадаги учрашувларни телевизордан кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Россия ҳукумати ва халқи Президентимизни илиқ кутиб олишгани, Ўзбекистон билан иттифоқчиликдан хурсанд эканлиги қандай яхши. Бу Ўзбекистонга бўлган ҳурмат-эътибордан далолат. Албатта, давлатлар ўзаро дўст бўлса, ҳамкор бўлса, бундан икки томон ҳам ютади. Ўқитувчи сифатида мени хурсанд қиладиган яна бир томони, илмий-маданий тажриба алмашишга имкон яратилганидир.

Биласизми, Ўзбекистонда ҳамма вақт ҳам рус тилига эътибор кучли бўлган. Ҳозир боғча, мактаб, олий ўқув юртларида бу тилни ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд. Бизнинг мактабимизда болалар рус тилини қизиқиш билан ўрганишади. Рус тили уларга жаҳон адабиёти оламини, қанчадан-қанча манбаларни ўрганиш имкониятини беради. Ўйлайманки, эндиликда бу борадаги яқинлик янада кенгаяди.

**Кароматулло ҲАСАНОВ, фермер:**

— Мамлакатимиз ва Россия давлати ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганини эшитиб, рости жуда хурсанд бўлдим.

Ўз тажрибамга таяниб айтадиган бўлсам, бизнинг ерларимизга Россия техникалари мос келади. Ернинг асл ҳолатини сақлаб, унумдорлигини оширишда уларнинг аҳамияти катта. Фермер хўжалигимизни 2000 йилда ташкил этган эдик. Ўша йили биз Россияда ишлаб чиқарилган МТЗ-80 тракторини сотиб олдик. Еримиз кенгайиб, техникага талаб ортгандан сўнг Россияда ишлаб чиқарилган яна тўртта трактор ҳамда юк автомашиналари олиб келинди. Бу йилги даромадимиздан эса «Енисей» ёки «Нива» комбайни олиш ниятидамиз.

Очиғини айтсам, қўшниларимиз билан муносабатларнинг ривожланиши биз фермерлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу туфайли эндиликда фаолиятимизни кенгайтириш учун янги-янги режалар тузаяпмиз.

**Равшан НОРМАТОВ, Мудофаа вазирлиги қисм командири ўринбосари, майор:**

— Биз ҳарбийлар «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома» халқимиз осойишталиги, армиямиз мудофаа қудратини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши тушунамиз. Иттифоқчи давлатларнинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги минтақавий хавфсизликни таъминлашда, қолаверса, Россиядек қудратли давлат билан тажриба алмашиш, энг муҳими минтақа хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорликда ҳаракат қилиш имкониятини беради.

Шартномада, томонлардан бирига бирор давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан тажовуз қилингудек бўлса, бунга иккала томонга қилинган тажовуз сифатида қаралади, дейилади. Лекин бу Ўзбекистон ўзини-ўзи ҳимоя қилолмайди, дегани эмас. Балки имкониятларини кенгайтириш, ҳар қандай балои офатга қарши бирлашиб ҳаракат қилиш демакдир. Чунки, бугунги кунда тобора урчиб бораётган халқаро терроризмдан зўравонлик билан бировлар ички ишига аралашаётган айрим давлатлар хуружидан ҳимояланиш учун бирлашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Анвар САМАДОВ, тайёрладилар**

(Давоми. Боши 1-бетда)

XORIJDA

## ГРУЗИЯ МДҲ ТАРКИБИДАН ЧИҚМОҚЧИ

Грузия парламенти бир овоздан мамлакатнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидан чиқиш масаласини парламент мажлиси кун тартибига киритишга қарор қилди. Ҳозирча парламент вакиллари Грузиянинг МДҲдан чиқиши ҳақида эҳтиёткорлик билан фикр билдирмоқдалар. Спикер Нино Буржанадзенинг айтишича, «парламентнинг бу қарори Грузиянинг МДҲдан чиқиши бошланганини билдирмайди, балки бу масалани кўриб чиқишга киришиши мумкинлигини англатади».

ИТАР-ТАСС берган хабарга кўра, МДҲ таркибидан чиқиш ташаббусини илгари сурган мухолифатдаги «Демократик фронт» партияси фракцияси етакчиларидан бири Давид Бердзенишвили «1993 йили Грузия МДҲ таркибига кираётган пайтда кўпгина грузин сиёсатчилари, жамоат арбоблари қарши чиқишган»лигини алоҳида эслади. «Ўтган йиллар давомида МДҲ Грузияга ҳеч нарса бермади ва бермайди ҳам. Бундан ташқари, Грузиянинг МДҲ таркибида бўлиши унинг НАТО ва Европа Иттифоқига кириш борасидаги мақсадларига путур етказади» деди у.

Лекин бу борадаги фикрларни юмшатиб, Нино Буржанадзе таъкидладики, «мазкур масала бўйича аввал мамлакат президенти билан, парламент кўпчилиги билан маслаҳатлашиш лозим, ана шундан кейингина масалани кўриб чиқишга киришиш мумкин».

Эслатиб ўтамиз: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрь куни ташкил топган. 2005 йилгача унинг таркибида Латвия, Литва ва Эстониядан ташқари собиқ совет давлатининг 12 та республикаси бўлган. Шу йил августда эса Қозон шаҳрининг 1000 йиллиги байрами доирасида бўлиб ўтган МДҲ саммитида Туркманистон бу таркибдан чиққанлиги ҳақида баёнот берди.

Тўғри, саммитда Туркманистон президенти қатнашмаганлиги учунми, ҳар қалай унинг МДҲдан чиқиши ўшанда ҳеч кимни ҳайратга солмаганди. Ваҳоланки, бундай «муомала» Украина ва Грузиядан кутилган эди. Бироқ Грузия президенти Михаил Саакашвили аксинча, йўл тутди: кутилмаганда МДҲнинг келажаги борлиги ҳақида баёнот билан чиқди. «МДҲнинг жуда бўлмаганда бугуни бор. Агар президентлар бир ёқадан бош чиқариб, юзага келган масалаларни ҳал этиш механизмини яратса, у ҳолда МДҲнинг келажаги ҳам бўлади» деганди у.

«Ягона миллий ҳаракат» партиясининг етакчиларидан бири Майи Надирадзе «МДҲ таркибидан чиқиш ҳақида қарор қабул қилинар экан, масъулиятни парламент кўпчилиги, шунингдек, мухолифат ҳам бўйнига олиши кераклигини, кейинчалик, мабодо, мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар юзага келса, ҳадеб ҳукуматга «тош отавермаслик» учун ҳам шундай қилиш лозим»лигини уқтирди. Бундан ташқари «Грузиянинг бу ташкилот таркибидан чиқиши Абхазиянинг можароли ҳудудида МДҲ ҳимоясида фаолият юритаётган тинчлик кучларидан «қутулиш»ни осонлаштиради» дея таъкидлади. Бу борада Россия давлат думаси депутати Алексей Митрофановнинг фикри бошқача. «Росбалт» ахборот агентлигига берган интервьюсида айтишича: «Улар МДҲга аъзоликдан чиқишгач, йил ўтиб-ўтмай АҚШ ёрдамида Абхазия ва Жанубий Осетияни босиб олишга ҳаракат қилишади».

Аслида ташкилот таркибидан чиқиш масаласи Грузияда бир неча бор ўртага ташланган. Масалан, 2001 йили Эдуард Шеварднадзе (ўша пайтда президент эди) бу борада баёнот берган эди. Ўшанда Абхазиядан Россия тинчлик кучларини чиқариш масаласида БМТдан ёрдам ҳам сўраганди. Лекин кейинчалик Шеварднадзенинг матбуот котиби Каха Имнадзе «Грузиянинг МДҲдан чиқиши масаласи ҳали кун тартибига қўйилмаслиги»ни маълум қилган эди.

## ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ

Ўзаро алоқаларнинг 40 йиллик узилишидан сўнг Ироқ етакчиси Жалол Талабони биринчи марта расмий ташриф билан Эронда бўлди. Теҳронда унинг шарафига олий даражадаги тантанали маросим ўтказилди. Унда икки мамлакат мадҳиялари куйланиб, Эрон миллий гвардияси президентлар олдида параддан ўтди.

НТВ телеканали хабар беришича, Талабони Ироқда терроризмга қарши курашда Эрон кўмагига умид билдиришини маълум қилди. Ўз ўрнида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот ҳам Ироқда демократик шаклланувни қўллаб-қувватлашини айтди.

Мазкур ташрифни тарихий воқеа дея баҳолашмоқда.

Эслатиб ўтамиз 1980 йилдан 1988 йилгача Эрон ва Ироқ ўртасида узоқ муддатли уруш бўлиб ўтган эди.

● Иқтисодиёт ва ислоҳот

# ФИДОЙИЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

### «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «ҚОРАҚАЛПОҚТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Бугунги кунда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиали жамоаси ҳудуд аҳолисига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар бошлашган. Электр алоқа хизмати сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксак даражага кўтариш, телекоммуникация тармоғида рақамли АТСлар салмоғини ошириш йўлида қилинаётган ишлар шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик субъектларига телекоммуникация хизматлари кўрсатаётган филиал жамоаси ҳудудда телефон рақамлари сонини ошириб бормоқда. Шаҳарлар ва туманлараро алоқалар мустаҳкамланаётир. Чунончи, ўтган йили режадаги барча кўрсаткичлар ортиғи билан уддаланди. «Қорақалпоқтелеком» филиали томонидан 2003 йилнинг июль ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида телекоммуникацияни 2010 йилгача ривожлантириш миллий дастурининг II-босқичи талабларини амалга ошириш борасидаги ишлар бошлаб юборилганди. Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Бўзатов, Манғит, Шуманай ва Қонликўл туманлари телекоммуникация боғламаларида шиша толали алоқа линиялари ўрнатилиши жадал олиб борилди. Булар республика бўйича тезкор ва узлуксиз алоқани таъминлашга хизмат қилади, албатта. Нукуснинг ўзида кўп каналли асбоб-ускуналар ўрнатилди. Натижада шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сифати ва сони янада ортди. Айни пайтда барча туманлар ва Нукус шаҳридаги алоқа тармоқларида абонентларнинг телефон рақамини биринчи сўровдаёқ аниқлаб берадиган маълумот хизматини бажарувчи телефон алоқаси фаолият кўрсатаётир.

Телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва уни ривожлантириш мақсадида 2004 йилда тўртта туман марказидаги эски АТСлар янги электрон алоқа тизими билан алмаштирилди. Пировардида, ягона ахборот майдони вужудга келди. Бундай электрон АТСлар ишга туширилгандан сўнг аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш янада яхшиланди. Айниқса, хорижий мамлакатлар кредитлари ҳисобига республика телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилаяпти. Шу ўринда Япониянинг JBIC халқаро ҳамкорлик банки томонидан станциядаги ва станциялараро дастгоҳлар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар ажратилганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

— Сифатли хизмат кўрсатишда гап кўп, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқтелеком» филиали директори Қайрат Таженов. — Бизнинг вазифамиз — хабарларни манзилдан манзилга, одамлардан одамларга вақтида етиб боришига хизмат қилиш. Алоқа каналларини ижарага берамиз ва электрон АТС бўйича яна 14 хил қўшимча хизматлар кўрсатамиз. Келгусида Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларида филиалимизнинг «Интернет кафе»ларини очиш ҳамда ўз тармоғимиз орқали хизмат кўрсатишни режалаштирганмиз. Пировардида, шаҳар ва туманлар марказлари рақамли телекоммуникация тармоғи билан таъминланиб, замонавий ахборот тармоқларига уланиш имконига эга бўламиз.

Филиал бўйича 2005 йил 9 ойлик якунига кўра мижозларга 3824191,4 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. 4258 хонадонга ҳамда 559 та корхоналарга телефон ўрнатиб берилди.

Электрон АТСларнинг жорий этилиши боис абонентлар қўшимча сервис хизматларидан баҳраманд бўлишаяпти. Ундан тушган даромад бугунгача 48084,9 минг сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектлари, яъни телекоммуникация соҳаси ишбилармонларига соҳада фаолият кўрсатишлари учун имконият яратиб берганмиз. Ушбу субъектлар билан ҳамкорликда тузилган шартномалар асосида ишлаб, шу йилнинг ўтган даврида 77283,4 минг сўмлик даромад олинди.



Ҳозир шаҳар алоқа тармоғи бўйича 82075 та абонентга ва қишлоқ алоқа тармоғи бўйича 17632 та абонентга хизмат кўрсатилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган OECF фонди орқали Япония ҳукумати томонидан 17600 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 78500 рақамли сиғимга эга жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган электрон телефон станциялари, шунингдек 6720 сиғимли шаҳарлараро телефон станцияси 1999 йилдаёқ ишга туширилганди. Жумладан, Япониянинг NEC корпорациясидан: Тўрткўл шаҳрига 5000, Элликқалъа тумани маркази Бўстон шаҳрига 2500, Беруний шаҳрига 10000, Тахиатош шаҳрига 6000, Хўжайли шаҳрига 10000, Қўнғирот шаҳрига 6000, Кегайли тумани марказига 4500, Нукус шаҳрига 33000 сиғимга эга NEAX-61E русумли электрон телефон станциялари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Нукус тумани маркази Оқмагнит поселкасига 1500 сиғимга эга Кореянинг DTS-1100 русумли рақамли шаҳар телефон станцияси ўрнатилганлиги ҳам алоқа сифатини оширди.

«Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация соҳасини ривожлантириш миллий дастури»нинг II-босқичига кўра Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) лойиҳаси бўйича Амударё тумани маркази Манғит шаҳрига 4304, Чимбой шаҳрига 608, Тахтакўпир шаҳрига 2000, Қораўзак шаҳрига 1504 ва Қонликўл туман марказига 1104, умуман олганда 6520 сиғимга эга Хитойнинг HUAWEI русумли электрон шаҳар телефон станциялари ўрнатилди. Шаҳар ва туман оралиғида алоқа боғлаб турувчи SMS-150 ва SMS-600 русумли алоқа узатгич тизимлари барпо этилди.

Умумий ҳисоб бўйича JBIC лойиҳаси ишларига сарфланган харажатлар 3 миллиард 866 миллион 855 минг сўмни ташкил этди. Бу ишлар жорий йил охиригача ниҳоясига етказилади. Мазкур алоқа иншоотининг ишга туширилиши билан вилоят туман марказларини боғловчи шиша толали алоқа тизими вужудга келди ва шаҳарлараро ҳамда халқаро алоқа хизмати сифати кескин яхшиланди, телекоммуникация тармоғи орқали маълумот узатиш тезлиги ортди. Аҳоли республиканинг бошқа ҳудудлари билан тез ва сифатли боғланиш имкониятига эга бўлди.

Бу юмушларни уддалашда Чимбой туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Қорабой Кожамжаров, Шуманай туман телекоммуникация боғланмаси электромонтери Сарсенбой Қорлибоев, Мўйноқ туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи Бахитбой Мамбетмуратов хизматидан ҳамма хурсанд. Алоқа хизмати фахрийлари Алимниёз Емберганов, Бердимурат Абдуматов, Турганбой Пайзуллаев ва Омонгелди Ахмановлар эса ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб келишмоқда.

Филиалда 1288 нафар ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойлик якунига кўра, ҳар бир ходим олган ўртача иш ҳақи 77500 сўмни ташкил этди.

Хорижий технологияларнинг соҳага жалб этилиши муносабати билан филиал томонидан 15 нафар ходим Япония, Хитой ва Сингапур давлатларида ўқиб, малака орттириб келиши учун имкониятлар яратилди.

Филиалда абонентлар сонининг кўпайиши — корхона хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кундан-кунга ортиб боришидан далолат. Ҳозир айниқса, фермер хўжаликларининг фаолият суръати юксалиб, алоқа хизматига бўлган эҳтиёж янада ортиши кузатилмоқда. Уларни таъминлаш учун филиал ходимлари бундан ўз масъулиятларини янада оширишга ҳаракат қилишаётир. Мақсад — мижозлар кўнглига йўл топиш, ҳар бир абонентнинг мамнун бўлишига эришиш. Зеро, ҳар бир ишда фидойилик ва тадбиркорлик — бугунги кун талабидир.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

t

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан



# ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ШАҲАР

### Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳри 2000 йиллик тарихга эга эканлигининг эътироф этилиши мамлакатимизнинг бу гўшаси азалдан қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганини яна бир бор тасдиқлади

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди. Марғилон шаҳрида ушбу фаолият билан шуғулланувчилар сони ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми йил сайин ортиб борди. 1996 йилда шаҳар саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми бир миллиард 590 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 3239,5 млн. сўмга, 2004 йилда эса бу кўрсаткич бир неча бараварга ўсди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1996 йилдаги 1 млрд. 706 млн. сўмдан 2004 йилда 6 млрд. 099 млн. сўмга ёки 3,6 мартага кўпайди.

Марғилон шаҳрида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчилар, хусусий савдо ва маиший хизмат турлари билан шуғулланувчилар сонининг кўпайиши уларнинг даромадлари ортиб боришига, пировардида маҳаллий бюджет ҳажмини кўпайтиришга кенг имконият берди. Айниқса, уларга хизмат кўрсатувчи шаҳар инфратузилмасини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш турлари (савдо, маиший хизмат, транспорт, молия-банк тизимлари кабиларни) ҳажмининг ўсишига олиб келди. Маҳаллий аҳоли орасида тадбиркорлар кўпайиб, жорий йил бошида шаҳарда рўйхатга олинган жами хўжалик юритувчи субъектлардан кичик корхоналар 148, микрофирмалар – 795, йирик корхоналар 104 тага кўпайди. Улар орасида Марғилоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда 10 та қўшма корхона ҳам фаолият олиб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида Марғилон шаҳрида энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошира бориб, саноат, қурилиш, транспорт соҳалари, шунингдек, корхона ва ташкилотлар фаолиятини бозор талабларига мослаштириш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришда қатъий ўсишга эришилмоқда. Кейинги 5-6 йил мобайнида асосий саноат маҳсулотлари турларидан тайёр газлама тайёрлаш 2.6, хом ипак бўйича 2.2 бараварга ўсиш таъминланди. Айниқса, «Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли «Турон шойи», А.Навоий номли ипак газламалар ва механика ҳиссадорлик жамиятларида хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда барқарор ўсишга эришилди. «Дўстлик — Марғилон» қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи ички бозор учун 29 млн. сўмлик ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. «Хонатлас» акциядорлик жамияти ҳудудида Фарғона ип-тўқув корхонасининг филиали фаолият олиб бормоқда.

Фарғона вилоят статистика бошқармасининг маълумотига кўра, йил бошида Марғилонда 1315 та кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатиши қайд этилган. Шаҳардаги тижорат банклари кичик корхоналарни, хусусий тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдорда микрокредитлар ажратиб бермоқда. Бунинг натижасида шаҳар аҳолисининг иш билан бандлик даражаси ошиб бормоқда. Шу ўринда изланиш йўлидан бораётган марғилонлик тадбиркор ва ҳунармандлар кейинги йилларда республика «Ташаббус» кўрик-танловида кетма-кет ғолибликни қўлга киритиб келишаётганини фахр билан тилга олса арзийди.

Бугунги кунда Марғилон шаҳрида 188,4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улардан 67,4 фоизи ишга лаёқатли кишиларни ташкил этади. Уларнинг яшаши ва ишлаши учун шаҳар ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра шаҳарда мукаммал қурилиш, янги саноат объектларини барпо этиш ҳамда мавжуд йирик корхоналарни замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Истиқлол йилларида шаҳарда янги бозорлар қурилиб, тадбиркор ва деҳқонларнинг фаолиятларига кенг имкониятлар яратилди. Ипакчилар шаҳарчасида ҳам янги бозор ўз фаолиятини бошлади. Шаҳарнинг Марказий бозорида янги савдо дўконлари қурилиб, замонавий архитектура талабларига мос ривожлантирилмоқда. Ҳозир унинг атрофини янада ободонлаштириш мақсадида Марказий бозор янги лойиҳаси тасдиқланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан эндиликда бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тартибга солиш, уларни замонавий савдо марказларига айлантириш юзасидан янада улкан ишлар амалга оширилади.

Марғилонда кейинги йиллар ичида ободончилик ишларига кенг эътибор берилиб, янги маданий-маиший иншоотларнинг бунёд этилиб келинаётгани шаҳар қиёфасини янада гўзаллашиб, чирой очиб боришига сабаб бўлмоқда. Хусусан, шаҳарнинг Марказий истироҳат боғи қайтадан қурилиб, замонавий дам олиш майдонига айлантирилди.

Президентимизнинг **«Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»**ги қароридан сўнг, шаҳарнинг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишлари кўлами янада ортади. Айтиш жоизки, Марғилоннинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган дастур шарофати билан шаҳарнинг жамоли ҳавас қилгудек даражада гўзаллашиб, тарихий ва замонавийлик уйғунлашган ажиб қиёфа касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, улуғ байрам шарофати билан Марғилон шаҳрининг азалий сўлим жамоли янада яшаради, ундаги яратувчилик, бунёдорлик ишлари авж олади. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, кўрсатаётган эътибори туфайли кўҳна Марғилон жаҳонга баралла юз тутади.

**Абдуғаффор ШАРАФИДДИНОВ, Фарғона давлат университети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори
Олим ҒОФУРОВ, тарих фанлари номзоди, доцент,
Ҳасан ПЎЛАТОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

(Охири. Боши ўтган сонларда)

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

***«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ***

*2005 йил 27 декабрь ва 2006 йил 3,10,17,24,31 январь кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг биносида соат 10.00 да аукцион савдоларини ўтказади.*

**Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда:**

«MOLIYA BINOKOR XIZMAT» шўъба корхонасига қарашли давлат рақами 10 AN 517 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ» русумли автоулови.

**Бошланғич баҳоси – 2000000 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

***Аввал аукцион савдоларига қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан савдоларга қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.***

*Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар 138-69-70, 138-69-93.*

● Фанимиз заҳматкашлари

# ИЛМ ДАРАХТИНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Инсон зоти яралибдики, мудом ҳаётдан ниманидир кутиб яшайди. Ўзининг дунёга келиб излаганини топгиси ёки бажарган яхши амаллари натижасини кўргиси келади. Кимдир амал дарёсининг кемасида сузишни орзу қилса, яна биров эзгулик дарахтини парваришлаб, ҳалол меҳнати меваларидан баҳраманд бўлишни истайди.

Устозликнинг бор машаққати-ю оромсиз тунларини бошидан ўтказган, узоқ йиллар мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантиришда самарали меҳнат қилиб келган моҳир мураббий, педагогика фанлари доктори, профессор Раҳима Абдураззоқовна Мавлонованинг ҳаёт йўлига назар ташлаган инсон кўнглидан беихтиёр ана шундай ўй-хаёллар кечиши табиий.

Бу заҳматкаш олима ўзининг ярим асрлик педагоглик фаолияти давомида илм йўлининг машаққатли босқичларини босиб ўтди, ўзи ва шогирдлари учун кўплаб янги манбаларни кашф этди. Республикамизда педагогика фанининг ривожланиши ва янада тараққий этишида муносиб ҳиссасини қўшди.

Агар биз олиманинг умр дафтарига назар ташласак, унинг ўзига хос таржимаи ҳолига, ҳаётда ҳамиша ўз ғоя ва маслагига таяниб яшаб келганига гувоҳ бўламиз. У 1930 йили Тошкентда зиёли оилада дунёга келди. Ёшлигиданоқ илмни севгани боис, мактабни битирибоқ, ўқитувчилик касбини танлади. 1950 йили Тошкент давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси ва психологияси факультетида таҳсил олишни бошлаган Раҳима Мавлонова тез орада мактабда дарс бера бошлади.

Изланувчан ва тиришқоқ эмасми, ёш ўқитувчининг ўқувчиларга сабоқ беришдаги маҳорати кўп ўтмай мактабдагиларнинг эътиборига тушди. У орттирган билимини амалиёт билан боғлар, ўз устида тинимсиз ишларди. Бу ўринда бўлажак олиманинг машҳур педагог Оқилхон Шарофиддинов тажрибасини ўргангани, умуман муаллимликнинг сир-асрорларидан бохабар бўлиш йўлидаги изланишлари алоҳида



мақола мавзуси бўла олади. Чунки бугун мактаб ўқитувчисининг мақомини ошириш борасида турлича қарашлар билдирилаётган бир пайтда, амалга oшириладжак ислоҳотларда моҳир педагогларнинг тажриба ва кўникмаларидан ижобий фойдаланиш яхши самара бериши тайин.

Хусусан, кейинги вақтда таълим-тарбия ишларини яхши ташкил қилиш ва бошқариш йўлида оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратила бошланди. Ҳолбуки, Раҳима Мавлонова ушбу назарий муаммони ҳал қилишни ўз тадқиқотларида баён қилиб ўтган эди. Унинг номзодлик иши ҳам мазкур масалага қаратилган бўлиб, «Мактаб ва оиланинг кичик мактаб ёшидаги болалар меҳнат тарбиясидаги ўзаро ҳамкорлиги» мавзуига бағишланганди.

Олиманинг илмий фаолияти Қори Ниёзий номидаги Республика педагогика илмий-тадқиқот институти билан боғлиқ. Ундаги бор қизиқиш ва илмий салоҳият мазкур даргоҳда камол топди. Шу туфайли олима номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилишида ушбу институтнинг роли катта бўлди. У бу ерда мумтоз ўзбек педагогикаси, рус ва жаҳон педагогикаси назарияларини пухта ўрганиб, мазкур соҳада катта билимга эга бўлди ва ушбу тажрибани ўз фаолиятида самарали қўллай бошлади.

Бу борада педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаева шундай дейди:

— Раҳима опа ўша пайтларда ҳам жуда талабчан эди. У хоҳ ҳаёт ва турмуш масалаларида, хоҳ илм соҳасида бўлсин, ҳар бир ёшга ўзининг маслаҳатларини беришдан толмасди. Айниқса, менда бошланғич таълимга бўлган қизиқишнинг шаклланишида Раҳима опанинг фикрлари муҳим ўрин эгаллаганди.

Раҳима Мавлонова педагогика илмий-тадқиқот институтида, сўнгра ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетида турли лавозимларда меҳнат қилган чоғларида замонавий педагогиканинг долзарб мавзуларига оид қатор тадқиқотлар олиб борди. Олиманинг, айниқса, педагогика ва педагогика тарихидан ўқиган маърузалари кўплаб ёшларда ушбу фанга меҳр уйғотгани аниқ.

Институтда ишлаган даврида олиманинг малакали илмий кадрлар тайёрлаш билан бирга, мактаб ўқувчиларига «Меҳнат» дарслигини яратиш борасидаги ишлари унинг илмий фаолиятининг муҳим қирраси ҳисобланади.

Шу ўринда иқтидорли олиманинг узоқ йиллик изланишлари самараси ўлароқ юзага келган «Ўзбекистонда бошланғич таълим назарияси ва амалиёти» мавзуидаги докторлик диссертацияси педагогика соҳасида муҳим янгилик бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қисқача ушбу илмий иш ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда меҳнат таълим-тарбияси бўйича бошланғич таълим концепцияси яратилиб, мамлакатимизда ушбу фан равнақининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаб берилди.

Халқимизда «ҳар бир эзгуликнинг мукофоти — одамлар эътирофидир», деган гап бор. Фанимиз фидойиси Раҳима Мавлонова ҳам ўзининг узоқ йиллик илмий фаолияти давомида ўнлаб монография ва дарсликлар, юзлаб мақолалар яратди. Тиниб-тинчимас олиманинг ўзи айни пайтда қадрдон даргоҳи — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган тарбия назарияси ва методикаси ҳамда махсус педагогика ихтисосликлари бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унинг илмга чин эътиқод қўйган юзлаб шогирдлари эса ҳозир мамлакатимизнинг турли гўшаларида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

...Эзгулик ниҳолини яратишдек олижаноб мақсадга умрини бағишлаган олиманинг заҳматли ҳаётига назар ташлаб, ушбу хулосаларга келдик. Бугун бу инсоннинг фарзандлари ҳам унинг изидан бориб, илм йўлини танлашди. Энг қувончлиси, неваралар ҳам ота-онаси, буви-буваларининг ўгитларига содиқ қолиб, илмга ошно бўлиб улғайишмоқда. Бир сўз билан айтганда, илм дарахти ўзининг чинакам тотли меваларини бермоқда...

**Сафо ОЧИЛ,**
**Муҳаммад НАЗАР**

● Инсон хотираси — азиз

**Узоқ вақт менга мураббий, меҳрибон устоз бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ҳақида хотира ёзиш оғир бўлди. Бу инсон билан жуда кўп бирга бўлганман, табаррук хонадонида, гоҳ Дўрмондаги дала ҳовлисида, сафарларда... Шу боис хотирани қайси йўсинда бошлаб, қаерда якунлашни узоқ ўйладим. У кишининг меҳр-оқибатидан гапирайми, дилкаш, самимий инсонлигидан ҳикоя қилайми?**

**Бир куни тунда уйқум қочиб кўрган-билганларимни қоғозга туширдим. Шоядки, устоз руҳи шод бўлса...**

# ОҚИБАТ САБОҚЛАРИ

Мен Иброҳим Раҳимни илк бора 1968 йили куз кунларидан бирида «Гулистон» журнали таҳририятида учратганман. Ўша пайтда бу журнал халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетганди. Унда Алихонтўра Соғуний таржима қилиб, нашрга тайёрлаган «Темур тузуклари», суюкли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Юзма-юз» шеъри, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг Эркин Воҳидов таржима қилган «Менинг Доғистоним» асаридан парча босилиб чиққан, мисли кўрилмаган шов-шувларга сабаб бўлаётган эди. Кейинчалик билсам, бош муҳаррир ўша асарларни чоп этгани учун ҳар куни «юқори»да сўроқ қилинаётган экан.

Иброҳим ака ўрта бўй, тўладан келган, юзларидан нур ёғилиб турадиган, кўзларидан ҳаёт нашидаси чақнаган киши эди. Саломимга алик олиб, мени ичкарига бошлади. Қисқача танишганимиздан сўнг Кувадаги ёр-биродарларини суриштирди. Суҳбатимиз бунчалар самимий тус олганидан руҳланиб, шеър дафтаримни узатдим.

— Вақтингиз бўлганда кўриб чиқарсиз, — дедим.

— Яхши, ўқиб қўяман, — деди. Кейин шаҳарнинг Уста Ширин кўчасидаги ҳовлисига қандай бориш мумкинлигини эринмасдан тушунтирди:

— Якшанба куни эртароқ борсангиз, далага ҳашарга борамиз, олма терамиз, — деди кулимсираб.

Якшанба куни Дўрмондаги Ёзувчилар боғига йўл олдик. Мен илгари бу томонларга қадам босмаган эдим. Шу боис дарвозадан ўтган заҳотимиз Иброҳим ака боғ-ҳовлилар эгаларини таништирди:

— Чап томонимиздаги боғчада устоз Абдулла Қаҳҳор яшаган, — деди тўлқинланиб.

Назаримда, кўзлари ёшлангандек туюлди. Чунки ўшанда машҳур адибимиз вафот этган, Шуҳрат аканинг «Абдулла Қаҳҳорнинг сўнгги кунлари» номли мақоласи айнан «Гулистон» журналида нашрга тайёрланаётган эди.

Меҳмонхонадан сўнг олмазор боғ бошланди. Ёз охирлаб, росмана куз келган, дарахтларнинг япроқлари сарғайиб битта-битта тўкиларди.

— Хазонрезги фасл ҳам келди, — деб қўйди Иброҳим ака ўйчан.

Биз ихчамгина икки қаватли боғ-ҳовлига кириб бордик. Ажабо, бу ерда ҳар хил атиргуллар барқ уриб очилиб ётарди. Олмалар шиғил мева қилган, шохлари букчайиб, тирговучларга таяниб турарди.

Иброҳим аканинг жияни Эркинжон ҳам биз билан бирга эди. Бирпасда икковимиз олма теришга тушиб кетдик.

— Ҳорманглар, йигитлар! Чарчамадингларми? — деб Иброҳим ака гоҳ-гоҳ аҳвол сўраб қўйрди.

Иш баҳонасида мириқиб дам олдик, Иброҳим акадан қизиқ-қизиқ гаплар эшитдик. Кечки пайт олмаларни машина юкхонасига жойлаб шаҳарга қайтдик. Домла икки тўрхалтадаги олмани ичкарига олдирди. Сабаби шаҳарга етгач маълум бўлди: ўша олмаларни биз талабаларнинг қўлига тутқазди, олмаймиз десак ҳам кўнмади, ҳатто чўнтагимизга пул ҳам солиб қўйди. Ноқулай аҳволда қолдик, Эркинжонни билмадиму, лекин мен терлаб кетдим.

Шундан сўнг Иброҳим аканинг шаҳар ҳовлисида, Дўрмондаги боғчасида тез-тез кўришадиган бўлдик. Иброҳим ака, айниқса, дала ҳовлисини яхши кўрарди. Эрта баҳордаёқ ҳали ўнгирдаги қорлар эримай туриб биз талабаларни — Эркинжон, Абдухалил ва мени ёнига олиб, боққа кетарди. Биз ер чопиш, ариқ тортиш, у ёқ-бу ёқни тозалаш каби ишлар билан машғул бўлардик. Иброҳим ака завқ билан шўрва қайнатишга киришиб кетарди. Шўрва қайнар-қайнамас, ижод уйида дам олаётган Йўлдош Шамшаров, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев каби ёзувчилар Иброҳим акани йўқлаб келиб қолишарди.

«Чироқ», «Ер ҳиди» китобларининг муаллифи Йўлдош Шамшаров: «Ерни чуқур чопинглар, дарахтларнинг илдизини кесиб қўйманглар», деб йўл-йўриқ кўрсатиб қўярди.

— Оқсоқол, қўйинг, ўзингизни қийнаманг, улар қишлоқ болалари, нима қилиш кераклигини сизу биздан яхши билади, — дерди Иброҳим ака ҳазил аралаш.

Меҳмонлар дастурхон атрофидан жой олишар, қизиқ-қизиқ ҳангомалар, қаҳқаҳалар бизнинг қулоғимизга ҳам чалиниб қолар, бошимизни кўтармасдан кулар эдик.

Хуллас, домланинг Дўрмондаги боғ-ҳовлисига келиб-кетишимиз одат тусига кириб қолди. Боғчада Наманганнинг нақш олмаси ҳам, Паркентнинг қайроқи узуми ҳам жой-жойини топиб экилган; қайси дарахтга кўпроқ иссиқлик, қай бирига сув кераклиги ҳисобга олинганди. Иброҳим аканинг ўзи миришкор деҳқонлардан қолишмасди, у ер тилини биларди.

Иброҳим Раҳим бир умр матбуот соҳасида сидқидилдан меҳнат қилди, уни ҳозиржавоб ёзувчи дейишарди. Чунки адиб кўпроқ долзарб мавзуларда қалам тебратарди. У ҳарбий



хизматга чақирилиб, энди қайтар пайтида бирдан уруш бошланди. Дастлаб, финларга қарши муҳорабада қатнашди, сўнг беш йил жанг майдонида қолиб кетди. Жанглардан омон қайтган Иброҳим Раҳим ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида ижодий фаолиятини бошлаб, бош муҳаррир лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Унинг бадиий асарлари асосан уруш мавзуига бағишланганди. «Чин муҳаббат» романи, кўплаб қисса ва ҳикоялари шулар жумласидандир.

Адиб кейинчалик чўлқуварлар, кончилар ҳақида ҳам қизиқарли асарлар яратди. Одатда, у йирик асар ёзишга киришишдан аввал ўша мавзуни «разведка» қилиб кўрар, дастлаб очерк, лавҳалар ёзиб, режаларини пишитиб оларди. Тез-тез вилоятларга сафар қилар, турфа касб эгалари билан суҳбатлашиб, ён дафтарчасини рақамларга тўлдириб қайтарди. Шундан сўнг дала ҳовлисида қизғин ижод билан машғул бўларди.

Иброҳим Раҳимнинг «Гулистон» журналидаги фаолияти тўғрисида марҳум ёзувчимиз Шукур Холмирзаев тўлқинланиб гапиришни яхши кўрарди: «Биз миллатни севишни Иброҳим акадан ўрганганмиз. Ахир, ўшангача «редактор» сўзини «муҳаррир», «проза»ни «наср» ва ҳоказо шаклида ёзиш мумкинлигини ҳатто тасаввур этолмасдик.

Ҳа, меҳрибон устоз, заҳматкаш адибимиздан яхши ишлар, кўплаб шогирдлар, боғида ҳамон барқ уриб ўсиб ётган мевали дарахтлар қолди. Бир инсондан шуларнинг ўзи ҳам унутилмас ёдгорлик, азиз хотира эмасми?

**Турсун АЛИ**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗНИНГ ЯНА БИР ТАНТАНАСИ

● Спорт



Миллий қадриятларимизнинг яна бир тантанаси сифатида эътироф этилаётган ушбу кураш байрамини юксак савияда уюштириш учун юртимизда жуда катта тайёргарлик кўрилди. V жаҳон чемпионатида қатнашиш истагини билдирган спорт делегацияларининг бирин-кетин юртимизга ташрифи бошланди. Бугунгача Эрон, Сурия, Янги Зеландия, Венгрия, Исроил, Буюк Британия, Россия, Шри-Ланка сингари мамлакатлар полвонлари пойтахтимизга етиб келишди ва улар машғулотларни бошлаб юборишган.

— Спортнинг бу турига мам-

— — — — — — — —

(Давоми. Боши 1-бетда)

лакатимизда қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда, — дейди айни пайтда пойтахтимиздаги «Сағбон» спорт мажмуида машғулотларда қатнашаётган эронлик Саид Хисравий Нажот. — Ҳозирда Эронда кураш билан шуғулланаётганлар сони беш минг нафардан ошиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Миллий федерациямиз жаҳон чемпионатида менга катта ишонч билдирган. Бунгача ўз вазн тоифамда (+100 кг.) кўплаб халқаро турнирлар ва Осиё чемпионатида совриндор бўлганман. Гарчи, жаҳон чемпионатида Ўзбекистон, Бразилия, Туркия, Венгрия сингари давлатларнинг номдор полвонларига бас келиш осон бўлмаса-да, унда фақат совриндорлар қаторидан жой олиш учун бор куч-маҳоратимни ишга соламан.

Жаҳон чемпионати доирасида 28 ноябрь куни Кураш Халқаро ассоциациясининг навбатдаги Ижроия қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтади. Кейинги жаҳон чемпионати мезбони номи эса 29 ноябрда ўтказиладиган КХАнинг VI конгрессида эълон қилинади.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# МУҲАММАДҚОДИР ҚАЧОН РИНГГА ЧИҚАДИ?

**Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев тўрт йилдан буён ўз фаолиятини профессионал боксда давом эттирмоқда. WBO йўналиши бўйича биринчи ўрта вазн тоифасида рингга чиқаётган ҳамюртимиз сўнгги жангини шу йил 11 июнь куни ўтказганди. Американинг «Мэдиссон Сквер Гарден» спорт мажмуида жаҳон чемпионлиги учун пуэрто-риколик Мигел Коттога қарши уюштирилган мазкур учрашув боксчимиз жароҳатлангани сабабли ўйин тўхтатилган эди. Шундан сўнг, мухлислар ўртасида «Муҳаммадқодир профессионал бокс билан хайрлашармиш. У энди рингга қайтмас экан. Муҳаммадқодир ўз омадини мураббийликда синаб кўрармиш», қабилидаги гап-сўзлар кўпайди.**

**Хўш, охирги жангдаги мағлубиятга нима сабаб бўлганди? Моҳир боксчимиз ҳозир нималар билан машғул? Спортчимизнинг келгуси режалари қандай? У яна қачон рингга чиқади? Шу сингари саволларга жавоб топиш мақсадида яқинда Муҳаммадқодир туғилиб ўсган хонадонда бўлиб, унинг отаси билан суҳбатлашдик.**



— Мигел Котто билан ўтган учрашув ўғлим учун қанчалик қийин бўлганлигини яхши биламан, — дейди Муҳаммадқодирнинг падари бузруквори Ёқубжон ҳожи Абдуллаев. — Муҳаммадқодир бироз ёшлик қилди, озгина шошилди. Чунки, шу жангдан икки-уч ой бурун Муҳаммадқодир чап қўлини операция қилдирганди. Ҳали шифокорлар назорати остида эди. Жароҳати тўла битмасдан рингга чиқди ва оқибати ҳаммага маълум.

**— Охирги учрашувдан кейин Муҳаммадқодирнинг ўзи сизга нима деди?**

— Ўғлимнинг айтишича, ўша куни пуэрто-риколикларнинг миллий айёми — Мустақиллик байрами экан. Шу боис, Мигел юртдошларига ажойиб совға тайёрлаш учун бу жангга жуда пухта ҳозирланганлигини намойиш қилибди. Учрашув охирида Муҳаммадқодир рақибини очиқ юз билан табриклаганлигини таъкидлади. Бундан фожиа ясамасдан вақти-соати келиб, бир куни албатта Коттодан мағлубият аламини олишини билдирди.

**— Фарзандингизнинг кейинги режаларидан ҳам хабардор бўлсангиз керак?**

— Албатта. Муҳаммадқодир ҳозир гарчи Германияда машғулотларда қатнашаётган бўлса-да, биз билан тез-тез телефон орқали боғланиб ҳол-аҳвол сўраб туради. Айни чоғда унга мураббий Фриц Здунек билан Артур Григорянлар кўмаклашмоқда. У ўттиз беш ёшгача профессионал рингда ўз маҳоратини кўрсатишга аҳд қилган. Ўғлим охирги марта қўнғироқ қилганида, навбатдаги жангга ҳозирлик кўраётганлигини айтди. Худо хоҳласа, у 26 ноябрь куни украиналик боксчига қарши рингга чиқади.

Ҳа, халқимиз ибораси билан айтганда, «Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди». Дарҳақиқат, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритишга астойдил аҳд қилган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев бўлажак учрашувларга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Унинг келгуси жанги хусусида тўлиқ маълумот олиш мақсадида интернет хабарлари билан танишдик. «Allboxing.ru»да ёзилишича, ҳозиргача профессионал рингда 17 (15 ғалаба, 2 мағлубият) та жанг ўтказган ҳамюртимиз WBO таснифида айни вақтда 41-ўринни эгаллаб турибди.

26 ноябрь оқшомида Муҳаммадқодир Германиянинг Леверкузен шаҳрида Осиё — Тинч океани қитъалараро олтин камари учун уюштириладиган учрашувда украиналик Андрей Котельник билан куч синашади. 1977 йил 29 декабрда Львов шаҳрида туғилган бу боксчи шу кунларда яна бир вакилимиз Руслан Чагаев билан бирга мураббий Михаил Тимм қўл остида машғулотларда қатнашмоқда. Котельник 26 (24 ғалаба, 2 мағлубият) учрашув ўтказган. У сўнгги жангини шу йил 9 июлда англиялик Виттер Жуниорга қарши ўтказиб ютқазганди.

Маҳоратли боксчимизга муҳим учрашувда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Ҳадича ҒАНИЕВА**

# МИННАТДОРЧИЛИК

Саломатлик инсон учун энг катта бойлик. Айниқса, соғлиғига путур етганда киши унинг қадрини чуқур англайди, эътиборсизлигидан ўкинади. Шу боис беморлар соғлиғини тиклашга масъул шифокорлар нажот фариштаҳаларига қиёсланади.

Тошкент трактор заводининг Абдумурод Бобожонов раҳбарлик қилаётган тиббиёт-санитария қисми, айниқса, ички касалликлар асорати натижасида пайдо бўлган руҳий ҳолатларни даволаш бўлимида беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ушбу бўлим мудири Исматилла Турсунов ва ҳамкасбларининг малакали тиббий муолажаларидан сўнг бу ердан кўплаб беморлар шифо топиб кетмоқда. Ширинсўз ҳамширалар эса доимо беморларга парвона. Аслида меҳр, ширин калом беморлар қалбига малҳам.

Биз бу ерда даволаниб оиламизга қайтар эканмиз, шундай фидойи шифокорлар борлигидан кўнглимиз фахрга тўлди. Зеро, элда «Олтин олма, дуо ол», деган ибратли нақл бор. Қўлингиз дард кўрмасин, меҳрибон шифокорлар!

Бир гуруҳ беморлар номидан

**Роза МАҲКАМОВА, Турсуной ХОЛМУҲАМЕДОВА**

«САНИПЛАСТ»

ЎЗБЕКИСТОН – ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида ғўзани, боғ ва иссиқхоналарни томчилатиб суғориш тизимларини сотиб олишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«Санипласт» лойиҳаларни амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради. Бизнинг мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳат берадилар. Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмлари етказишга ва хизмат сифатига кафолат берилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**700187, Тошкент шаҳри, Қорасув-4, 11-уй.**
**Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
**Andijonda —** 25-32-70
**Buxoroda —** 222-10-92
**Gulistonda —** 25-22-32
**Jizzaxda —** 5-49-85
**Navoiyda —** 223-83-73
**Namanganda —** 6-43-43
**Nukusda —** 222-70-15
**Samarqandda —** 35-20-54
**Urganchda —** 226-51-35
**Farg`onada —** 26-43-62
**Termizda —** 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi:
**Erkin XOLBOBOYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 152
*6363 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**